

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ


Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислохотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2019 йил 1 июль ҳолатига вилоятда 21552 та фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 13897 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,6 фоизга кўпайди.

Хизматлар соҳасида барча фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, фоизда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

01.07.2019 йил ҳолатига



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиши ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2019 йил январь-июнь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 3559,7 млрд.сўмни ташкил этдиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,0 фоизга ўсди.

**2019 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган хизмат турлари бўйича
(амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:**


	млрд. сўм	2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	3559,7	112,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	174,5	111,7	4,9
Молия хизматлари	485,4	174,1	13,6
Транспорт хизматлари	899,0	105,0	25,3
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	155,7	102,9	4,4
Савдо хизматлари	1143,3	104,5	32,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	96,2	103,9	2,7
Таълим хизматлари	157,5	119,4	4,4
Соғлиқни сақлаш хизматлари	67,1	106,9	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	94,9	101,8	2,7
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	78,6	103,0	2,2
Шахсий хизматлар	75,6	103,7	2,1
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	44,9	104,6	1,3
бошқа турдаги хизматлар	87,0	103,4	2,4

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (32,1 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (25,3 фоизи), молиявий (13,6 фоизи), алоқа ва

ахборотлаштириш (4,9 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш (4,4 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда (ўтган йилга нисбатан 74,1 фоизга кўп), таълим хизматлари (19,4 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш (11,7 фоизга кўп), соғлиқни сақлаш хизматлари (6,9 фоизга кўп), транспорт хизматларида (5,0 фоизга кўп) ўсиш юқори бўлди.

2019 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида шаҳар ва туманларнинг улуши, фоизда



Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида катта улушга эга бўлган Бухоро шаҳри (64,3 фоиз), Гиждувон тумани (8,8 фоиз), Бухоро тумани (3,3 фоиз), Вобкент тумани (3,1 фоиз) ни ташкил этган бўлса, Олот (2,0 фоиз), Қоровулбозор (1,9 фоиз) ва Когон туманлари (1,6 фоиз) улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар
(*туман ва шаҳарлар кесимида*)

	<i>Жами</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан, % ҳисобида</i>
Вилоят бўйича	3559,7	112,0
Бухоро ш.	2289,2	113,8
Когон ш.	103,8	107,6
<i>туманлар</i>		
Бухоро	117,6	108,8
Вобкент	111,6	110,2
Жондор	77,2	109,6
Когон	58,6	118,6
Олот	72,9	107,6
Пешкў	84,1	109,0
Ромитан	98,2	107,9
Шофиркон	73,2	109,0
Қоракўл	91,2	107,5
Қоровулбозор	67,2	100,1
Ғиждувон	314,9	109,9

Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмидаги энг кичик ҳажми қуйидаги ҳудудлар Когон (58,6 млрд.сўм), Қоровулбозор (67,2 млрд.сўм), Олот (72,9 млрд. сўм) ва Шофиркон (73,2млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Ҳудудлар орасида юкори ўсиш суръатлари Бухоро (113,8 %) шаҳри, шу билан бирга Когон (118,6 %), Вобкент (110,2 %), ҳамда Ёиждувон (109,9 %) туманларида кузатилди.

Энг паст ўсиш суръатлари Қоровулбозор (100,1 %) ва Қоракўл (107,5 %) туманларида кузатилди.


Ҳозирги кунда республикада улгуржи ва биржа савдо корхоналарининг фаолияти учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоғи фаол ривожланмоқда. Савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил қилади.

2019 йил январь-июнь ойларида савдо хизматлари ҳажми 1143,3 млрд.сўмга тенг бўлди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида улуши 32,1 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан савдо хизматларининг ўсиш суърати 104,5 % ни ташкил этди.

Савдо хизматларининг энг катта ҳажми Бухоро шаҳри (562,0 млрд. сўм), Ёиждувон (180,2 млрд. сўм), Бухоро (50,6 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.

Ҳудудлар кесимида савдо хизматларининг ҳажми, млрд.сўм
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)



Савдо хизматлари бўйича энг паст кўрсаткич Қоровулбозор туманида кузатилди. Ушбу ҳудудда савдо хизматлари ҳажми 16,6 млрд. сўмга тенг бўлди.

Аҳоли даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси кўлами ўсмоқда. Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2019 йил январь-июнь ойларида унинг улуши 79,8 % ни ташкил этди.

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 13,5 % ни ташкил этди.

Автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобил ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларни кўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг 6,7 % ни ташкил қилади.

Савдо хизматлари таркиби, %
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)




Транспорт хизматларининг энг катта қисми автомобиль транспортида юк ва йўловчи ташиш хизматлари ҳисобига тўғри келади.

2019 йил январь-июнь ойларида транспорт хизматларининг ҳажми 899,0 млрд. сўмга тенг бўлди. Уларнинг ўсиши 105,0 % ни ташкил этди.

Юқори ўсиш суръатлари Қоровулбозор (125,3 %), Олот (110,8 %) ва Когон (109,1 %) туманларида қайд этилди.

Худудлар кесимида транспорт хизматларининг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан транспорт хизматларининг унча юқори бўлмаган ўсиш суръати, Жондор (105,6 %) ва Виждувон (104,7 %) туманларида қайд этилди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар биринчи навбатда онг ва фикрлашдаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб, маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий лаборатория усқуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод методик материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2019 йил январь-июнь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 157,5 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 119,4 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида таълим хизматларининг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)




Таълим соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Бухоро (127,6 %) шаҳри, Ромитан (115,4 %) ва Қорақўл (114,2 %) туманларида кузатилди.

Ўтган йилга нисбатан бу хизматларнинг унча юқори бўлмаган ўсиши Когон (102,7 %) , Пешку (101,8 %), Қоровулбозор (101,7 %) ва Олот туманларида (100,6 %) қайд этилди.

2019 йил январь-июнь ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми 67,1 млн. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 106,9 % ни ташкил этди.

Худудлар кесимида соғлиқни сақлаш хизматларининг ўсиш суръати, %
(2019 йил январь-июнь ойлари учун)




Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар бўйича юқори ўсиш суръатлари Когон шаҳри (112,4 %), Қоракўл тумани (110,2 %), Ёиждувон (108,3 %) тумани ва Бухоро (107,9 %) шаҳрида кузатилди.

Ўтган йилга нисбатан бу хизматларнинг унча юқори бўлмаган ўсиши Қоровулбозор туманида (104,7 %), Вобкент (104,4 %), Жондор (103,9 %) ва Олот (103,8 %) туманларида қайд этилди.

2019 йил январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1872,8 минг сўмни ташкил қилди ва ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 102,2 % ни ташкил этди.


2019 йил январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ҳажмлар, минг сўм



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро шаҳрида – 8219,7 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,0 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Қоракўл (563,5 минг сўм), Жондор (449,6 минг сўм), ва Шофиркон (418,6 минг сўм) туманларида кузатилди.

2019 йил январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига ўсиш суръати, % ҳисобида



Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.